

МҮЙНОҚ КОНСЕРВА ЗАВОДИ

Урушнинг дастлабки кунлариданоқ Қорақалпоғистон маҳаллий ишлаб чиқариш саноати фронт учун маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ўтди. Бу борада озиқ-овқат саноати ходимларининг ҳиссаси катта бўлди. Улар фронт эҳтиёжларидан келиб чиқиб, халқ орасида кенг тарқалган рецептлар асосида маҳаллий хомашёлардан маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйишди.

Биргина 1941 йилнинг ўзида фронт учун 4,4 тонна балиқ консервалари, 42,4 тонна тузланган сабзавотлар ва 1,2 тонна қуритилган қовун маҳсулоти етказиб берилди.

Бу йилларда Қорақалпоғистонда гўшт ва балиқчилик саноатининг мавқеи янада ўсди. Бу кўрсаткичларга маҳаллий ресурслардан ва давлат ишлаб чиқариш корхоналаридаги ишлаб чиқаришдан чиққан иккиламчи маҳсулотлардан кенг кўламда фойдаланиш ҳисобига эришилди.

Бу борада Мўйноқ консерва заводининг ишга туширилиши ва унинг Иккинчи жаҳон уруши фронтларида жанг олиб бораётган жангчиларнинг моддий таъминотидаги ўрни ниҳоятда бекиёсдир.

Завод қурилиши 1932 йилларда Орол денгизининг жанубий қирғоқларида жойлашган Тўқмоқота оролчасида бошланди. Ўша даврдаги ўта оғир вазият, қийин об-ҳаво шароити заводни ишга тушириш муддатининг кечикишига сабаб бўлди.

1938 йилда жаҳонда келиб чиқиши мумкин бўлган урушлар сабаб, СССР ҳукумати ўз иқтисодий салоҳиятини кучайтириш ва мустақкам фронт ортига эга бўлиш мақсадида завод қурилишини жадаллаштиришни вазифа қилиб белгилайди. Натижада, 1938 йилда Мўйноқ гўшт-консерва

заводи илк маҳсулотларини ишлаб чиқара бошлайди.

Завод дастлаб 13 та балиқчилик хўжаликларидан ташкил топган. Хўжаликлардаги аҳоли сони 1940 йилда 12 234 кишини ташкил этган бўлса, шулардан 6652 киши балиқчилик хўжаликларида ишлаган.

Лойиҳалаштирилган завод қўйидаги тўртта асосий цехдан иборат бўлган:

биринчиси — консерва, цехи йиллик 19 миллион банка балиқ ва гўшт консервалари ишлаб чиқаришга ихтисослашган;

иккинчиси — томат пастасини тайёрлаш цехи, бир йилда 870 тонна томат пюреси тайёрлаш имкониятига эга бўлган.

учинчиси — тунука банкалар ишлаб чиқариш цехи, йиллик 19 миллион банка тайёрлаш имкониятига эга бўлган;

тўртинчиси — утилизация цехи. Бу цех йилига 1530 тонна балиқ ва 1123 тонна гўшт маҳсулотлари қолдиқларидан маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлган.

Бундан ташқари, заводда бир кечакундузда 250 бош мол гўшти ва 45 тонна балиқни қабул қилиш учун совиткичлар ўрнатилган.

1941 йилнинг биринчи ярим йиллигида барча балиқчилик хўжаликлари ўз режаларини ортиғи билан бажарган.

Масалан, Мўйноқ хўжалиги белгиланган 2830 тонна балиқ ўрнига давлатга 3413 тонна маҳсулот топшириб, режани 120 фоизга уддалаган. Учсой хўжалиги эса 14 290 тонна ўрнига 16 964 тонна маҳсулот бериб, режани 117 фоизга бажарган. Шу ва шунга ўхшаш маълумотларни кўплаб келтириш мумкин.

Лекин 1941 йилнинг иккинчи ярмига келиб, маҳсулот етказиб бериш кескин



камайиб кетади, уруш бошлангани сабабли, деярли барча ёш, куч-қувватга тўла эркалар фронтга сафарбар этилади. Натижада балиқчилик хўжаликларидида балиқ овлаш, уни қайта ишлаш ва етказиб бериш мажбурияти хотин-қизлар, ёш болалар ва кексалар зиммасига тушади. Бунинг оқиба-тида, 1941 йилнинг иккинчи ярмига келиб, балиқчилик хўжаликларидида режани бажариш кўрсаткичлари 91–82,6 фоизга тушиб қолади.

Орол денгизининг жанубий қисмида ўша вақтларда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган балиқ ва балиқ маҳсулотларининг 90 фоизи овланарди ва қайта ишланарди. Уруш йилларида Мўйноқ консерва заводи ишчилари томонидан 20 миллиондан ортиқ банкада балиқ ва балиқ маҳсулоти консервалари тайёрланди ва фронтга етказиб берилди.

Шу билан бирга, завод мутахассислари томонидан янги кашф этилган айрим маҳсулотлар турлари ҳам ишлаб чиқаришга жорий этилди. Бу маҳсулотларни маҳаллий саноатда ишлаб чиқариш таннархи бир неча баробар паст бўлиб, уларнинг самардорлиги анча юқори бўлган.

Мисол тариқасида Мўйноқ консерва заводи ишчилари томонидан ишлаб чиқаришга жорий этилган, озуқавий тўйимлиги юқори бўлган балиқ унини келтириш мумкин. Бу уннинг бир килосининг тўйимлилик миқдори саккиз кило балиққа тенг бўлган. Айнан шу ва шунга ўхшаш янги-янги маҳсулот турларини жорий этиш ва балиқ саноатини ривожлантириш учун давлат бюджетидан 123,4 минг рубль ажратиб берилган эди. Бунинг натижасида ўзида учта балиқ заводини бирлаштирган Амударё балиқчилик трести ўз ишини бошлайди.

Заводларда асосий ишчи кучи аёллар эди. Ана шундай илғор хотин-қизлардан бири Акжан Қабулова эди.



Акжан Қабулова

Мўйноқлик Қойсоқбоевлар оиласидан Қобил, Абдижон, Шапий ва Нурилла исмли тўрт ака-ука фронтга жўнайди. Улардан уч киши қонли жангларда ҳалок бўлади.

Оиладаги тўнғич фарзанд Қобил Қойсоқбоевнинг катта қизи Акжан Қабулова фронтга кетган отаси ва бошқаларнинг ўрнини билдирмаслик ва оиланинг қолган аъзоларини боқиш учун Мўйноқ гўшт-балиқ консерва заводига ишга киради.

Оддий ишчидан то цех бошлиғи лавозимигача бўлган меҳнат йўлини босиб ўтган Акжан Қабулова тиним билмасдан меҳнат қилади. У меҳнат қилаётган цех ишчилари Ҳарбий-ҳаво кучлари ҳамда ҳаво десанти кўшинлари учун майда шохли ҳайвон гўш-ларидан консерва маҳсулотлари ва балиқ



увулдириқларидан тўйимли ун тайёрлаб етказиб берадилар.



Курбонниёз Қаниязов

1942–1943 йилларда Орол денгизидаги Қозоқдарё балиқ заводи директори лавозимида ишлаган Курбонниёз Қаниязов иқтисодиётни ҳарбий изга солиш, ишчи кучини тўғри тақсимлаш ва белгиланган вазибаларни ўз вақтида бажариш учун бор куч-ғайратини аямади. Кейинчалик, яъни 1943–1945 йилларда у туман Кенгаши раиси лавозимида ҳам фаолият олиб борди. Ватан олдидаги улкан хизматлари учун 1944 йилда Ҳурмат белгиси ордени билан тақдирланди.

Албатта, завод туну кун ишлаб туриши ва сифатли маҳсулот етказиб бериши учун балиқчилик бригадалари томонидан маҳсулот тўхтовсиз етказиб берилган. Биргина мўйноқлик балиқчилар томонидан уруш йилларида давлатга 622,3 тонна балиқ маҳ-

сулотлари тузланган, қуритилган ва дудланган ҳолда етказилган.

Завод ишчилари давлат томонидан олдиларига қўйилган режаларни ортиғи билан бажаришдан ташқари, 10 минг центнердан ортиқ балиқ маҳсулотларини Фарҳод ГЭСи қурувчиларига ҳам жўнатганлар.

Бундан ташқари, Қорақалпоғистон Республикаси вакиллари собиқ Иттифоқнинг барча ҳудудларида қурилиш-тиклаш ишларига сафарбар этилганлари боис, Свердловск ва Пермь ўлкасида, Оренбург, Горький шаҳарларида шахта ва ташкилотларда ишлаётган ишчиларнинг моддий таъминоти учун ҳам маҳсулотлар етказиб берганлар.

Мўйноқ тумани балиқчилари Ленинград қамалида қолган аҳолини қўллаб-қувватлаш ва уларга ёрдам тариқасида икки вагон тузланган балиқни республиканинг энгилғор ишчи-деҳқонлар ва зиёлилар вакилларида иборат делегация билан жўнатади.

Завод маҳсулотлари фронтдаги жангчилар учун, айниқса, қорақалпоқ йигитлари учун қувончли совғалардан бўлган.

Қорақалпоғистонлик Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси бўлган академик Собир Камолович Камолов шундай хотирлайди: *“Бир кун мен фронт ортидан совға-саломлар олгандим. Улар орасида Мўйноқ консерва заводи маҳсулотларини кўриб жуда ҳам қувондим...”*

Меҳнат самарадорлигини ошириш учун оилавий балиқчилик бригадалари ташкил этилган. Ана шундай оилалардан бири Отабой Яхшимуродов ва хотини Жонсулув Яхшимуродова оиласидир.

Улар Мўйноқ туманидаги “Марат” номи балиқчилик хўжалигида балиқ овлаш билан шуғулланишган. Йиллик режаларини 160–170 фоизгача бажарган бу фидокор балиқчилар давлат томонидан “Шавкатли



Мўйноқ заводининг энг яхши бригадирларидан бири Саитбоев. 1942 йил





Отабой Яхшимуродов ва Жонсулов Яхшимуродова



Матмурод Яхшимуродов

меҳнати учун” медали ва Қорақалпоғистон Республикаси Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланган

1937 йили Гурьевдаги кема капитанлари тайёрлов курсларини битириб, “Марат” номли кема капитани лавозимида иш фаолиятини бошлаган Матмурод Яхшимуродов Иккинчи жаҳон уруши йилларида Мўйноқ—Чоржўй—Термиз темирйўли йўналишидаги поездларда фронт учун мўлжалланган кийим-кечак ва озиқ-овқат маҳсулотларини ташиган. Бундан ташқари, республика аҳамиятига молик юкларни ҳам ташишда куну тун хизмат қилган.

Ана шундай фидокор инсонлар қаторида Мўйноқ гўшт-балиқ консерва заводининг минглаб ишчилари бор. Улар қийинчиликларга қарамай, матонатли меҳнатлари билан буюк Ғалабага муносиб ҳисса қўшдилар.

Даврон ДАВЛАТБОЕВ,
полковник